

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 9 ноябр, сешанба № 178 (1811)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

- \* **Онгли интизом – ютуқлар гарови.**
- \* **Пахтачилик ва галлачиликда гектардан 50-60 центнердан ҳосил олаётган оилавий пудратчилар сони ортиб бормоқда.**
- \* **Хўжаликда жорий йилда соф фойда қарийб 1 миллиард сўмни ташкил этди.**

Хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси аъзоларининг эрта баҳордаги йиғилиши бурилиш нуктасини таъминловчи омиллардан бирига айланишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Тажрибали мутахассислар кўйи бўғинларни иқтидорли, масъулиятни зиммасига ола биладиган кишилар ҳисобига мустақамлаш, цех касаба уюшма ташкилотлари жанговорлигини ошириш, фидойи меҳнати муносиб рағбатлантириш юзасидан аниқ тадбирлар белгилаб, изчил амалга ошириш лозимлигини ўқтирдилар. Ширкат бошқаруви раиси Зикриё Асоров меҳнаткашлар учун қўлай иш шaroити яратиш, энг яхши чиғи навларини ташлаш иқтисодийни юксалтиришининг етакчи омили эканлигини таъкидлади. Хайри ишни кўнглидагидек амалга ошириш учун савқатига цех касаба уюшмасига бирлашган уч мингта яқин аъзони тўла сафарбар этиш жуда муҳим эди. Тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Энг обрўли, галлачилик ва пахтачиликда ўзини кўрсата билган тажрибадорлар одамлар орасида кенг тушултириш ишларини олиб бордилар. Хўжалик раҳбарлари, касаба уюшма кўмитаси сўз ва иш билригига қатъий амал қилиб, моддий манфаатдорлиқни таъминлади.

Вақт ўтиши билан ҳамжиҳатлик, яппи сафарбарлик туфайли ютуқлар бўй

## БУРИЛИШ НУҚТАСИ

Касби туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги касаба уюшма кўмитаси иш тажрибасидан

кўрсата бошлади. Агар бир неча йил аввал гектаридан 30 центнердан галла олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 46 центнерни ташкил этди. 2003 йилда умумий соф фойда 601 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 1 миллиард сўмдан кам бўлмастлигини мутахассислар таъкидлашмоқда.

Агар инсон ўзига яратилган шароит, раҳбарларнинг муносабати ва албатта олаётган маошдан кўнгли тўқ бўлса фидокорона меҳнат қилади. Ташаббуслар билан майдонга чиқади. Жумладан, оилавий пудратчилар Аҳмад Азимов, Эркин Чориев, Холлик Хайитов, Пўлат Абдуллаев каби пудратчилар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, пахтачилик ва галлачиликда гектаридан 50-60 центнердан хирмон кўтаришга муваффақ бўлишди. Хўжалигимиз иқтисодининг йилдан-йилга ривожланиши ижтимоий соҳани юксалтириш имконини берди. Сўнгги уч-тўрт йил ичида Қорахўжа, Қайқичи, Тошқудуқ, Қоратепа, Кўлбўйи ҳамда Кўрик қишлоқлари тўлиқ газлаштирилди. Энг чекка жойларга ҳам ичимлик суви етиб бор-

ди. Ширкат хўжалиги бошқаруви раисининг ташаббуси билан марказий таъмирлаш устанонасида механизаторларга финча ҳаммом куриб берилди, замонавий ошхона ишга тушди. Қоратепа қишлоғида ҳамма ҳавас қилса арзийдиган мактаб курилиши давом этмоқда. Деҳқонлар учун янги уйлар

фарзандларига ёрдам кўрсатилди. Касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида жамоа шартномаларининг аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Бу меъёрий ҳужжат ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашда етакчи ўринни эгалламоқда. Унинг бандларини из-

чир амалга оширишга ҳаракат қилишимиз. Шу тариқа мавсум мобайнида барча ерда хўжалик ҳисобидан иссиқ овқат, чай ташкил қилинди. Механизаторлар, чилангарлар, газ ва электр пайвандчилари ҳамда химикатлар билан ишловчилар учун махсус кийим-бош олиб берилди. Бу бир қарашда оддий иш бўлиб туюлса-да, аввало катта маблағ талаб қилади, қолаверса, инсон саломатлигини учун гоётда зарур. Йиғимтерим бошлангани олдиндан жуда катта байрам тадбири ўтказилди. 30 нафар ноҳор оила фарзандларининг суннат тўйи нишонланди. Тўйболаларга бош-оёқ сарфлаш ҳамда банкда махсус дафтарча очилиб, ҳар бирининг ҳисоб рақамига 100 минг сўмдан пул қўйилиши одамларнинг кайфиятига-кайфияти кўшди. Бундай тадбирлар меҳнат унумдорлигини ошириш, ҳар иш жойида ўзаро талабчанлик муҳитини яратишда муҳим рол ўйнаётганлигини ҳис қилиб туришимиз.

А.МАКСАДОВ, хўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси



## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР СУЛОЛАСИ

Равшан ака ота-онаси билан «Бақтрия» темирйўл бекатида кўчиб келганида 12 ёшда эди. Атроф дала. Қум. Сўпайибгина иккита темирйўлчилар қазармаси бор, холос. Отаси Ҳайдар ака темирйўлчи эди. Илгари Туркманистоннинг «Келиф» темирйўл бекатида ишларди. Уша даврларда темирйўл ягона тизимида бўлиб, Урта Осиё темирйўли дейиларди.

Темирйўлчиларнинг вазифаси биринчи навбатда график бўйича катновни ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдир. Кечаю кундуз 10 км. масофани назорат қилишарди. Уша даврларда релслар, шпаллар тез-тез ишдан чиқар, шу боис уларни ўз вақтида алмаштириб туриш даркор эди. Шундай қийин, масъулиятли ишни отаси ҳамкасблари билан олиб борарди. Бундан

ёшгина Равшан мағрурларди. Отасига ўхшашини чин дилдан истарди... 18 ёшда уни ишга қабул қилишди. Махсус курсларда ўқиб келди. Йиллар уни тарбиялади. Оддий темирйўлчи катта йўл устаси даражасига етди. Обрў-эътибор қозонди. Ушга муносиб ўнлаб шоғирлар тайёрлади. Ҳукумат мукофотларига сазовор бўлди. Айни дамда нафақада бўлса-да, Равшан ака темирйўлчилар билан бирга, Укалари Нормурод, Хуррам, Кенжа ҳам темирйўлчи. Оилалари билан «Бақтрия» темирйўл бекатида ишлашади. Равшан ака эса Жарқўрғонда. Улар учун темирйўл ҳаёт йўлидир.

Суратда: Равшан ака Ҳайдаров қизи Матлуба билан.

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Жиззах вилоят бўлими ҳузурида «Ёш сайловчилар клуби» иш бошлади. Виллоят сайлов комиссияси матбуот маркази, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу клуб аъзоларининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди.

**ЁШ САЙЛОВЧИЛАР КЛУБИ**

Ҳисоб-китобларга қараганда, виллоятдаги сайловчиларнинг қарийб 33 минг нафарини биринчи марта овоз берувчи ёшлар ташкил этди. Булажак сайловлар тўғрисида ёшларга кенг маълумот бериш учун ташкил этилган клубда олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари ҳамда маҳаллалар ёшлари иштирокида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

**ЧЕМПИОННИНГ ДАВОЛАШ МАРКАЗИ**

Армрестлинг бўйича Осиё ва Европа чемпиони Мирзохид Шаропов Навоий шаҳридаги «Турнехон» болалар бочаси қошида ногирон болаларни жисмоний машқлар ёрдамида даволаш марказини ташкил этди. Малакали мутахассислар фаолажта йўлқавни ўн болакайни икки ой давомида даволаб оёққа турғазди.

Даволашда энг муҳими гўдакнинг махсус машқлари бажарилишидир, - дейди М.Шаропов. - Фаолаж натижасида котиб қолган мушакларни ҳаракатга келтириш даволашнинг биринчи босқичи бўлиб, бунда машқ ва массаж орқали суякларнинг ривожланиши тезлашади.

(ЎЗА)

**Маълумки, пахта тозалаш корхоналари иқтисодий таъминотидаги муҳим тармоқлардан бири саналади. Негаки, қадок қўлли деҳқонлар йил бўйи тўққан пешона тери эвазига етиштирилган ҳосил айнан шу ерда қайта ишланади.**

Чунончи, Оқолтин туманидаги «Оқолтин» пахта тозалаш очик турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси туман хўжалиқларидан шартнома асосида 27 минг 902 тонна пахта хом ашёсини қабул қилиб, уни қайта ишлашни ўз олдиданга мақсад қилиб қўйганлар.

## ТЕЖАЛАН МАБЛАҒ ҲИСОБИДАН

Корхонамиз йилгига 40 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига ога, - дейди жамият раҳбари Абдухалиқ Дарбешов. - Жамоамиз жорий йилнинг шу даврига қадар қабул қилинган хом ашёнинг 5 минг тоннасини қайта ишлашда ҳамда 1350 тонна сифатли тола хорижага экспорт қилди. Корхона мавсум олдиндан қайта таъмирланганига босиб, анчагина маблағ иқтисод қилинди. Тежалан маблағ эса ишчи-хизматчиларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасига сарфланмоқда.

Жумладан, маъмурият ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида имзоланган шартномага асосан ишчи-хизматчиларга меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Энг муҳими меҳнат муҳофазаси қатъий эътибор остига олинган. Зарарли шароитда ишловчилар сўт махсулотлари билан доимий таъминланяпти. Яна бунга қўшимча равишда иссиқ овқат ташкил қилинган. Ҳар йили корхона ишчилари учун махсус кийим-бош берилди. Тиббий пункт ишлаб турибди.

Демак, корхона маъмурияти ва касаба уюшма ҳамкорлиги натижасида ижтимоий масалалар кўнглидагидек ҳал этилмоқда. Ҳар навбатида инсон омилига алоҳида эътибор берилётганлиги, қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланяётганлиги меҳнаткашлар кайфиятига ижобий таъсир этиб, янада унумлироқ ишлашга қармоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг III-қурултойидан кейинги ўтган даврда Қашқадарь виллоятининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди.

Бугунги кунда касаба уюшмалари аҳоли кенг қатламлари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоячисига айланди. Давлат ва жамоат тизимлари билан ҳамкорликни мустақамлаш, бошлангич ташкилотлар иш услубини такомиллаштириш, ташкилотчилик фаолиятини кучайтириш соҳасида аниқ, мақсадли тадбирлар амалга оширилди.

электрстанцияси биринчи блокнинг куриб битказилганлиги, 20 дан ортик қишлоқлар сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъ-

недорлик юмушларига кенг йўл очди. Қадимий ва ҳамма ҳаволи Насафда лойиха қиймати 8 миллиард 106 миллион сўмлик 600 ўринли

## НАЗАРДАН ҚОЛМАЙЛИК

Воҳа ҳудудидан ўтайдиган Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлининг биринчи навбати, Шўртаннефтьгаз, Муборақ нефтьгаз корхоналарида янги қувватлар, компрессор станциялари, Қоратепа қони, «Оқсаройтўқимачи» ЛТД, «Як-каботекстиль» қўшма корхоналарининг ишга тушурилиши, Таллимаржон иссиқлик

олимпиа заҳиралари коллежи қад кўтармоқда, кенг ва раван йўллар қуриляпти, тарихий обидалар қайта тикланиб, таъмирланмоқда.

Қашқа воҳаси мамлакатда ярим миллион тонна дон ва пахта етказиб берадиган, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракати ривожланган йирик қишлоқ хўжалик салоҳиятига

эга виллоятлардан бири. Давлатга пахта сотиш шартнома режаси мамлакатда биринчи бўлиб адо этилганлиги муносабати билан Президентимизнинг виллоят пахтакорларига йўлланган табриги барча меҳнаткашларнинг руҳини кўтариб, янги зафарларга илҳомлантириб юборди.

Ижтимоий шерикчилик таъмоили асосида 2232 та корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари ҳудудий муаммоларнинг ҳал этиш мақсадида 18 та жамоа келишувлари тузилган. Жамоа шартномалари ва келишувларида ҳодимларга мақбул ва қўлай иш шароитлари яратиш, имтиёзлар бериш, меҳнати муҳофазалаш, соғломлаштириш, ҳуқуқий манфаатларни ҳимоя қилиш нафақахўрлар, ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Кейинги икки йилда меҳнат муҳофазасига 4 милли-

ард сўмликдан ортик маблағ ажратилди. Биргина «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси бундай мақсадлар учун 823 миллион, Муборақ газни қайта ишлаш заводи қарийб 500 миллион сўм маблағ сарфлади. «Муборақнефтьгаз» акциядорлик жамиятида тарқовдан 1,8 миллиард сўм фойда олинди, номинал қиймати 520 сўмлик акцияларнинг ҳар бирига 2631 сўмдан дивидент тўланганлиги, «Беҳкент» пахтаозалаш», «Қашқадарьнефтьгазсаннаотқурилиш» очик ҳиссадорлик жамиятлари, Касби туманидаги Шароф Рашидов номли, Алишер Навоий номли, «Жайнов» ширкат хўжалиқларида меҳнаткашларни моддий рағбатлантириш ўсиб бораётганлиги иқтисодий ислохотларнинг пиревард натижасидир.

(Давоми 2-бетда)

Хисобот-сайлов конференцияси бошланганидан бироз олдин йўлакда суҳбатлашиб турган икки кишининг гапларини Эркин ака беҳосдан эшитиб қолди. Бир вақт улардан бири очикчасига ҳисоб-китоб қила кетди.

— Урта ҳисобда 120 минг маош олам. Шунинг бир фоизини, яъни 1 минг 200 сўмни аъзолар бадалига тўлайман. Бу бир йил давомида ўрта ҳисобда 15 минг сўмни ташкил этди. Шунга яраша касаба уюшма кўмитаси менга нима қилиб бераёпти?

Уларнинг суҳбатларини эшитган «Оқангаронцемент» касаба уюшма кўмитасининг раиси Эркин ака Топилов ён дафтарчасига ниманидир ёзиб қўйди.

Йиғилиш бошланди. Кун тартибига биноан 5 йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шу вақт Эркин ака Топилов бир нима ёдига тушгандек ўйлашиб турди-да, давом этди.

— Кўнглимда ҳозирги кунда касаба уюшмалари менга нима бермоқда, деган савол турғилмоқда. Бунга жавобан шуни айтмоқчиманки, корхонамиздаги ҳар бир меҳнатқаш ойлик маошининг бир фоизини аъзолар бадалига тўлайди. Бу йилга нари борса 20 минг сўмни ташкил этади. Ваҳоланки, касаба уюшма кўмитасининг маъмурият билан имзоланган жамоа шартномаси бандларини бажариш, шу жумладан меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ва шу каби тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳар бир хизматчи учун йи-

лига 320 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланмоқда.

Корхонада иш ҳақидан қарздорлик умуман йўқ. Жамоа шартномасида оғир иш шароитларида ишлайдиган меҳнаткашларга қўшимча имтиёзлар берилган. Қўллаб-қувватлаш «Соғлиқ» ва «Тошкент» денгизи каби санаторий-

меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги, 57 таси ижтимоий-ҳимоя, 46 таси эса маданий-маърифий, спорт ҳамда соғломлаштириш масалаларига оид эди. Барча қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган, ижроси назоратга олинди.

Корхона меҳнаткашларини ҳуқуқий

жамоа шартномаси афзаллиги нимада?

ларда хордик чиқаришмоқда. Корхона қошидаги санаторий-профилакторийда ҳам 1 минг 48 киши бепул, 3 минг 818 нафар киши эса имтиёзли равишда соғломлаштирилади. Корхонада теннис, мини футбол, волейбол, шахмат-шаҳча бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказиб келинмоқда.

Маъмур очик акционерлик жамияти касаба уюшма кўмитаси қошида ҳисобот-сайлов давомида 2 та комиссия фаолият кўрсатади. Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари умумий оқватлаш ва табиий хизмат кўрсатиш, ташкилий ва оммавий, маданий ва спорт соғломлаштириш ишлари бўйича тузилган комиссиялар шулар жумласидандир. Ҳисобот-сайлов даврида 48 та махлис ўтказилди. Уларда корхона ҳаётига оид 153 та долзарб масалалар муҳожама этилди. Шуларнинг 22 таси меҳнат қончилиги, 28 таси

**Сарҳисоб**

Касабақўм раиси мана шулар ҳақида афрофилача фикр юзга чиқарган ҳам бу ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртқоққилди.

**Б. Ҳамдамов - бригадир:**

— 5 йил давомида касабақўм аъзолари ҳамда унинг раиси қўнгина ишларни амалга оширди. Шуниси қувончлики, ишчи-хизматчиларимиз спорт мусобақаларига кўпроқ жалб этилмоқда. Бунинг учун корхонамизда барча шароит бор. Чўки жорий йилнинг ўзидагина теннис корти, волейбол майдони, тренажер хонаси фойдаланишга топширилди. Бу ҳам бўлса, маъмурият ҳам касаба уюшма кўмитасининг меҳнаткашларга кўрсатаётган ҳаммуриятдир.

**Т. Филина - корхона ҳуқуқшуноси:**

— Жамиятда меҳнат қончилигига ҳамда ички меҳнат тартибига амал қилиш бўйича қўнгина ишлар қилинди. Белгиланган таътилар аниқ режа асосида берилмоқда. Маошлар ҳам ўз вақтида ишчилар қўлга етмоқда. Касб касаллигига урғанган, ишлаб чиқаришда жароҳатланган оилаларга устам ҳақлар ўз вақтида тўланапти. Мен сайланган касаба уюшма кўмитаси аъзолари ҳамда унинг раисидан мана шундай ишларни бундан бундан ҳам давом эттиришларини истардим.

**Р.НЕЪМАТОВ**

**Матбуот сўзининг таъсирчанлиги**

**«ИШОНЧ»ДА ЧОП ЭТИЛГАЧ айблов иши қайта кўриладиган бўлди**

Газетамизнинг шу йил 8 ва 10 сентябр сонларида «Қотил суратида чизилган мўйлов ноҳақ айблов асос бўлди» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда фуқаро Сабура Атажановнинг Беруний туман почта бўлими бошлиғи Қурбонбой Машарипов ўлимида ноҳақ айбланганлиги, Эллиққалъа туман суди томонидан ишга бир томонлама ёндошилганлиги таҳлил қилиб берилган эди.

Тахририятимизга яқинда республика Олий судидан жавоб хати келди. «Мақола юзасидан С. Атажановга оид жиноят иши Олий судда текшириб чиқилди, - дейилади Олий суд матбуот котиби имзоланган хатда. - Жиноят ишини ўрганиш натижаларига кўра С. Атажановга ишбатан апелляция инстанцияси ажримини бекор қилиб, шуни янгидан апелляция инстанциясида кўриш учун юбориш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суд раёсатига протест билдирилди.

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

## Қашқадарё

### НАЗАРДАН ҚОЛМАЙЛИК

(Бош 1-бетда)

Меҳр-оқибатлик, одамийлик ҳалқимизнинг азалий анъанаси ҳисобланади. «Ўзбекистон касабалари Федерацияси Кенгашининг «Меҳр ва мурувват йили» бўйича дастури тўғрисида»ги қарорига асосан кам таъминланган оила аъзоларидан 10182 кишига 113,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Серфарзанд оилаларнинг 2824 нафар ўғил-қизларига 8 миллион 135 минг сўмлик дарслик, ўқув қуроллари ва мактаб формалари олиб берилди. Ўқув юрталарида тахсил олаётган 62 оиланинг фарзандлари учун 8,9 миллион сўмлик шартнома пуллари тўланди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларидан 5686 кишига 33,5 миллион сўмлик тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, 2480 нафарига 14,5 миллион сўмлик дори-дармонлар олиб берилди.

Маънавият ва маърифатни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигига эришиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Мавжуд 148 та клуб ва маданият саройи, 461 та оммавий кутубхоналар ва бадий ҳаваскорлик жамоалари меҳнатқашлар маънавий эҳтиёжларини қондириш, миллий мафкура ва кадриятларимизни ёшлар

онгига сингдириш, кўнгилли дам олишини ташкил этишда фаол қатнашмоқда. Айтиш мумкин 1568 та жисмоний тарбия жамоаларида 650 минг киши спорт билан шуғулланмоқда. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси», кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Авазов, олимпиада чемпиони Алишер Мукторов, доврўкли курашчилар Нодир Эшонқулов, Элбек Орипов, Дилшод Чориев, Жасур Очилловлар касабалари спорт жамоаларида камол топишган. Беш йилда касабалари уюшмалари томонидан спортни тараққий эттириш учун 440 миллион сўм маблағ сарфланди. Ташкилотимизнинг инсонпарварлик фаолияти «Меҳр ва мурувват йили» дастури билан уйғунлашиб, ижтимоий муҳофазанинг яхшиланшига ижобий таъсир кўрсатди. Жорий йилнинг ўзида ходимларга 11 миллион сўмлик бепул йўланмалар ажратилди. Касаба уюшмалари ҳисобидан 102 миллион, ижтимоий сўмга 822 минг сўм сарфланиб, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 7218 нафар фарзандлари болалар оромгоҳларида бепул дам олдиларди.

Вилоят ҳокимининг «Кам таъминланган оилаларга мансуб фахрийлар ва ногиронларнинг бир гуруҳини соғломлаштириш», «Кам таъминланган оилаларга мансуб хотин-қизларни имтиёзли со-

ғломлаштириш тўғрисида»ги қарорларининг ижроси бўйича 1400 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз қариялар, 1248 нафар хотин-қизларни сўм маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг 13 январидан Тошкент аэропортида юз берган авиоҳалокатда ҳалок бўлган Қарши шаҳрилик Айрат Қаримов, Китоб туманида яшовчи Исомиддин Асомов оилаларининг ҳар бирига 54400 сўмдан хайрия ёрдами берилди. Қашаши тумани Сартули қишлоғида яшовчи, бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган Дилфуза Тошимованинг даволаниши учун 300 минг сўм маблағ ажратилди. Умуман, ёрдамга муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш учун 25 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Вилоят касабалари уюшмалари кенгаши, тармоқ кўмиталари, вакилликлари ва бошланғич ташкилотлар ижтимоий шерикчилик таъминини ҳаётга изчил татбиқ этиб, ўзларининг ишчанлик ва ташкилотчилик фаолиятларини янада такомиллаштириб боришмоқда.

**Эсон РАЖАБОВ,**  
Қашқадарё вилоят касабалари уюшмалари Кенгаши раиси

**«Қашқадарё соҳили» санаторийи Қарши шаҳрида, воҳанинг сўлим жойларидан бири, денгиз сатҳидан 600 метр баландликда жойлашган.**

Ҳозирги кунда лойиҳа қиймати 250 миллион сўмлик минерал сув манбасини қазиб олиб бориляпти. Даволанувчилар учун бассейн ва сауна қуриш режалаштирилган. Бундан ташқари, вилоят бюджетидан маблағлар ҳисобидан оилавий дам оладиган 4 та кotteж ва бошқа маданий-маи-

ший бинолар қад кўтарди. «Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан вилоят ҳокимининг фармойишига асосан уруш қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз ва боқувчисини йўқотган нафақахўрларнинг имтиёзли дам оли-

### СОҲИЛЬБЎЙИДАГИ ОРОМГОҲ

Ушбу оромгоҳ даволанувчиларни ўз бағрига қорлайди.

Ушбу оромгоҳ даволанувчиларни ўз бағрига қорлайди.



«Қашқадарё соҳили» санаторийи бош ҳақими, тиббиёт фанлари номзоди А.АКБАРОВ, оромгоҳ даволанувчиларни ўз бағрига қорлайди.

Тажрибали шифокорлар Б.Номозов, И.Раҳимов, Т.Раҳмонов, Н.Ан-

### МЕҲНАТИМИЗ ҚАДР ТОПДИ

**Заводимиз Марказий Осиёдаги энг йирик қорхоналардан бири. Иш берувчи ва касабалари уюшмасининг ҳамкорликдаги ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, соғломлаштириш, ишловчиларга қўлай ва беҳавотир меҳнат шароитлари яратишга алоҳида эътибор берилаяпти.**

Кейинги беш йилда 117.119561 минг кубометр газ қайта ишланиб, истеъмолчиларга юборилди. Қўлга киритилган муваффақиятларда заводнинг 23 та цех ва бўлимларида меҳнат қилаётган 2249 нафар касабалари уюшма аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Жамоа шартномасида белгиланган вазифалар ва ижтимоий шерикчилик таъминини асосда олиб борилаётган кенг қамровли ишлар ўз самарасини берапти. Хар бир ишчининг ўртача ойлик маоши бундан беш йил муқаддам 27958 сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, 107 минг 787 сўмга етди.

Ишон қадри улуг ва бебаҳо. Қорхонада ишлаб кетган нафақахўрлар ва кам таъминланган оилаларга 2 миллион 725 минг, туманимизда истиқомат қилаётган ёлғиз кексалар ва ногиронларга 500 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Ишчи-хизматчиларни соғломлаштириш ва сыхатгоҳларда ҳордик чиқаришлари учун 250 кишига маъмурият томонидан 27 миллион 240 минг, касабалари уюшмаси маблағларидан 2 миллион 565 минг, болаларнинг оромгоҳларида дам олишлари учун 9 миллион 185 минг сўм ажратилди. «Меҳр

ва мурувват йили» муносабати билан Қашаши туманидаги Меҳрибонлик уйига 3 миллион сўмликдан ортиқ ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Завод ҳузурида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган профилаторий, тиббий пункт ва «Ниҳол» болалар оромгоҳи ишлаб турибди. Ошқона, чўйхона ва бошқа маданий-маиший муассасалар улар хизматда.

Жорий йилнинг ўзида зарарли иш шароитларида меҳнат қилаётган кишиларга 2 миллион 600 минг сўм қўшимча ҳақ тўланади.

Қорхонада кўп йиллардан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган оператор О.Тўраев, чилангар Р.Музаффаров, қурилма машинисти Т.Низов, механик Т.Зиёидинова, асбобсоз А.Маҳманиёзов, лаборатория ишчиси Н.Маҳмадова сингари ҳамкасбларимиз касабалари уюшмаси ишларида ҳам фаоллик кўрсатишапти.

Қайси жамоада инсон меҳнати қадрланса ютуқлар янада салмоқли бўлишини қурултойдан қурултойдигача юз берган ўзгаришлар кўрсатиб турибди.

**Қобил МҲМИНОВ,**  
Ўзбекистон Каҳрамони,  
Муборак газни қайта ишлаш заводи темирчиси

**Янги педагогик технология асосида дарс ўттиш ўқитувчининг тажрибаси ва маҳоратида боғлиқ. Илм даргоҳини тугатган ҳар бир йигит-қиз йилни топиб кетса, унга сабоқ берган муаллимнинг обрў-эътибори янада ошади.**

### ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ

Тўрт йилдан бери рейтинг услубида иш олиб бораётган мактабимизда илми ўткир, ташаббускор, изланувчан, маънавий дунёқараши кенг ва ғовий савияси мустаҳкам педагоглар анчагина. Сафарига 127 та касабалари уюшма аъзосини бирлаштирган бошланғич ташкилотимиз маъмурият билан ҳамкорликда ходимларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратган. Муаллимлардан 4 нафари мамлакатимиз сыхатгоҳларида ҳордик чиқариб соғлиғини тиклади. Унлаб муаллимлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилди.

3-4 синфларда чет тиллари чуқурлаштирилган усулда ўқитилляпти. Инглиз тили муаллимиси Фароғат Назарова ёшларга пухта билим бериб, муносиб шогирдлар тайёрламоқда. Мактаб маъмурияти ва ҳомийлар кўмаги билан илм даргоҳига 2 миллион 420 минг сўмлик дарслик ва ўқув жиҳозлари келтирилди. «Нишон» жамоа



Касаба уюшма ташкилоти ўқитувчиларнинг иш ва яшаш шароитларидан тортиб, ўқувчиларга яратиб берилган қўлайлик, ўқув-тарбия, моддий ва маънавий рағбатлантириш, касб-хунар ўргатишга бўлган барча тадбирларни ўз назоратида олган.

**Туркия ва Япония ишбилармонлари билан ҳамкорликда қад ростилаган «Оқсарой тўқимачи» ЛТД қўшма қорхонасида ишлаб чиқарилаётган қалава ип ва ҳам трикотаж материаллари юз фоиз чет элга экспорт қилинмоқда.**

### ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

Икки йил илгари фойдаланишга топширилган энгил санат мажмуасида қисқа муддатда 25 миллиард 423 миллион 617 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг кўп қисми Америка, Туркия ва Европа давлатлари истеъмолчиларига етказиб берилди. Республикаимиз энгил саноти тарихида биринчи

даги поликлиника улар хизматда. Ходимлар техника хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, махсус кийим-бош билан таъминланган. Чет эл сармояларининг кириб келиши, сифатли, харидордир маҳсулотлар юртимиз шухратига-шухрат қўшмоқда.

Дилбар Тўраева, Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи» ЛТД қўшма қорхонаси касабалари уюшма кўмитаси раиси

«Халқаро ISO 9001-2000» сифат бошқарув тизими сертификатига лойиқ деб топилган қорхонанинг жаҳон бозоридаги обрўси ошиб бормоқда.

650 нафарга яқин маҳаллий йигит-қизлар ишлаётган жамоамизда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига эътибор оширилган. Ишчи-хизматчиларнинг бепул овқатланишлари учун маъмурият томонидан ҳар ойда 7 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Қорхона қоши-

даги поликлиника улар хизматда. Ходимлар техника хавфсизлиги бўйича ўқитилиб, махсус кийим-бош билан таъминланган.

Курултойда қабул қилинган Ҳаракат Дастурида ҳар бир ходимнинг хавфсиз иш шароитини яхшилаш, жисмоний ва интеллектуал меҳнатини ҳуқуқий ташкил этиш касабалари уюшмалари фаолиятининг асосий йўналиши деб белгиланган.

Ишон соғлиғи ҳамма нарсадан қадри ва қиммати. Вилоят кўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари асосий эътиборини меҳнатқашларнинг тинч, осойишта ва хавфсиз меҳнатини таъминлашга қаратган. Бу мақсадлар учун жамоа шартномаларида кўрсатилганидан анча кўп - 450 миллион ўрнига 502 миллион сўм маблағ ажратилди.

Кўмитанинг пленуми ва раёсат йиғилишларида вилоят машина-трактор парклари акциядорлик жамиятлари, Нишон тумани деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси, «Кишлоҳўжалик-кимё», «Пахтаसानот» бирлашмалари тизимидagi қорхоналарда «Меҳнатни муҳо-

### ИШЧИ КЎНГЛИ ХОТИРЖАМ

фаза қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси, турли жароҳатлар, шикастланишларнинг олдини олиш борасида иш берувчилар ва касабалари уюшма ташкилотларининг фаолияти кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Касаба уюшмаси аралашуви билан қирқдан ортиқ хизматчиларга 18 миллион 200 минг сўмлик тавон пуллари ундириб берилди. Жумладан, Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ширкат ҳўжалигида яшовчи Гофур Бозоров иш жараёнида вафот этганига қарамай унга тавон пули ва нафақа тўлаш кечиктирилган. Касабақўмитанинг қатий талаби билан муаммо ҳал этилди.

Нишон туманидаги У. Юсупов номи ширкат ҳўжалиги механизатори И. Бўронов, вилоят «Оқовасув» қорхонаси, Миришкор туманидаги «Миришкор» ҳўжалиги 4-ширкат

ҳосилоти Ш. Полвонов, Шаҳрисабз туманидаги Жўра Элбоев номи ширкат ҳўжалиги электриги У. Раҳматуллаевнинг бевақт вафоти билан туғган бахтсиз ҳодисалар чуқур таҳлил этилиб, жабранувчиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Амалга оширилаётган ташкилотчилик ишлари ва қўрилган чора-тадбирлар туфайли ўтган йилга қараганда бахтсиз ҳодиса ва жароҳатланишлар кескин камайди.

Бироқ айрим қорхона ва ташкилотларда иш жойларининг санитария-гигиеник ҳолати талабга жавоб бермади. Машина-механизмлар, ускуналар эскириб кетган. Оғир, тунги ва зарарли меҳнат жараёни билан шуғулланувчиларга сут ва сут маҳсулотлари, парҳезли таомлар бериб

борилмади. Касбий зарарликлар мавжуд қорхоналарда қисқартирилган иш кўни, қўшимча таътиллари жорий этилмаган. Ходимлар ҳимоя воситалари ва махсус кийим-бош билан таъминлангани йўқ. Ҳолбуки, жамоа шартномаларида бундай имтиёзлар белгиланган бўлиши керак.

Мулк шакли ўзгартirilган ташкилотларда, хусусий қорхоналар ва деҳқон-фермер ҳўжаликларидида меҳнат муҳофазасини ҳамда техника хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар сустлашди билан ҳал этилапти.

Иш жараёнида шикастланишларнинг олдини олиш ва касб касалликларини камайтириш катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Касаба уюшмалари белгиланган меъёрлар талабларини асосда ҳар бир ходимнинг кўнгли хотиржам ва иши баракали бўлиши учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлашга эътиборни оширмоқдалар.

**Илхом САБДАРОВ,**  
Агротехника мажмуи ходимлари касабалари уюшма вилоят кўмитаси раиси



**Қашқадарё мамлакатимизнинг беҳисоб табиий захиралари жойлашган ҳудудларидан бири, ушбу иқлим шартларида қазиб олинган табиий газнинг 88 фоизи, нефтининг 98 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади.**

Ташмаржон ГРЭСи, Муборакгаз, Шўртангаз, Кўкдумалоқ нефть ва газ мажмуалари, Шаҳрисабз консерва заводи, «Оқсарой тўқимачи» ЛТД, «Яқаботекстиль» қўшма қорхонаси, Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли каби йирик ишхолақлар воҳанинг иқтисодий тараққийини таъминлашнинг асосий манбаларидир.

### НУРИСТОН ЧИРОКЛАРИ

Бир йўла 3,2 киловатт соат энергия ишлаб чиқарадиган Ташмаржон ГРЭСи мамлакатимиз энергия мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосий манбаларидан ҳисобланади.

Бундан чорак аср муқаддам бошланган улкан нурхона қурилиши анча вақтгача пайсалга солиб келинган эди. Истиқлол шарофати, Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътибори билан иссиқлик станциясини бунёд этиш жадаллаштириб юборилди. Бугунги кунга келиб 800 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи энергоблок тўлиқ усқунланди ва

ишга тушиш арафасида турибди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи Абдурауф Бозоров раҳбарлик қилаётган аҳил ва иноқ жамоа бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Йирик ишоотнинг қад кўтаришида иморатга биринчи гишт қўйган Ҳ.Абдуллаев, Н.Бердимуродов, Б.Ҳайитов, А.Абдуназаров сингари меҳнат фахрийларининг муносиб ҳиссаси бор.

Қарши даштида Оловуддин тепаликларидида ўн мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Нуристон шаҳарчаси қурилди. Шифохона, болалар боғчаси, умумтаълим мактаби, маданият саройи, нон комбинати, савдо маркази, ошқона ва чойхона, қўллаб турар жойлар фойдаланишга топширилди. Бағри кенг чўлда тун қоронғулигини

нурафшон этиб, минглаб чироқлар парламоқда.

**Алимардон ЖУМАЕВ,**  
Касаба уюшма фахрийси  
**ВАЪДАНИ ДЎНДИРГАН**  
**КАНДИНИ УРСИН**

Касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат Дастурида ёшларни ишга жойлаштириш ва иш билан таъминлаш қарорларини амалга ошириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни, мўқим иш жойларини яратишга ёрдам берадиган ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш мўқим вазифа қилиб қўйилган.

«Фермер ҳўжаликлар тўғрисида» Қонун қабул қилинганлиги, янги концепция ишлаб чи-

қилганлиги қишлоқ мулкдорлари кучига-куч қўшди. Янги зарфарлар сари қанот бағишлади. Бугунги кунда Қашқадарёда 14 мингга яқин деҳқон-фермер ҳўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда етиштирилган ҳосилнинг 70 фоизи улар ҳиссасига тўғри келяпти.

Жорий йилнинг қузида ҳаётимда унутилмас воқеа рўй берди. Юртбошимиз жамоамиз даласида бўлиб, ишларимиз билан танишдилар. Бу учрашув ҳўжалигимизда меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг қалбидида ўчмас из қолдириди.

Юртбошимиз ҳаракатда барақат бўлади, деб алоҳида таъкидладилар. Суҳбат жараёнида фермерлик осон эмаслигини, ерни ўзининг ҳақиқий эгасига

бериш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Бугун деҳқон ким учун, нима учун меҳнат қилаётганини яқши билади. Чунки меҳнатининг самарасидан ўзи ва оила аъзолари тўлиқ баҳраманд бўлишляпти.

Мавжуд 15 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтардик. Олинган соф фойда 8 миллион сўмдан ошиб кетди. Бундай даромад туфайли ҳўжалигимизнинг 9 нафар аъзоси катта фойда қўрди.

Энг мўқими, ерга эгалик ҳисси шаклланиб, деҳқон рўзгорига барака кираяпти.

**Ойбек ҚЎЗИЕВ,**  
Қашаши туманидаги Азизбек Қўзиев номи фермер ҳўжалиги раҳбари

Ислом КАРИМОВ:

Хожа Ахрор Валий ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. «Шайхлар шайхи» деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёرمىз.

Иброҳим ака, ҳаётда шундай улуг зотлар борки, Жалолиддин Румий айтганларидек, жохоннинг юраги улар кўсида уриб туради. Халқнинг фахр-ифтихорига айланган бундай кишилар ботинида инсоният руҳи яшайди. Шунинг учун ҳам улар қолдирган мерос халқни юксакликка чорлаб туради. Хожа Ахрор Валий ана шундай пири қомиллардан бири. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан бу йил мамлакатимизда улуг шайхнинг 600 йиллик тўйларини нишонланади. Айтилган, 27 та давлат ҳукмдори бир сўзини икки қилмаган бу улуг зот аслида ким бўлган? Жамиятимизнинг бугунги тараққиётида унинг илмий мероси қандай аҳамиятга эга?

Биласизми, қайси юрт, қайси заминда тил, тафаккур ва виждон эркинлиги бўлмаса, инсон фарзанди ҳайвон ҳаётидан ҳам баттар бир ҳаёт бағрида яшайди. Бу ҳаёт инсон қалби ва руҳини шунчалик эзиб, маж-

тоифага мансуб бўлишган. Улардан бири Самарқанд муфтиси Мавлоно бин Исомиддин эди. Султон Абуасид вафот этиши ҳамон у баъзи давлат маъмуларини ҳузурига чорлаб Хожа Ахрор билан алоқани тўхтатишнинг талаб қилиш билан кифояланмай, унинг мол-мулкни мусодара этишга фатво беради. Султон Аҳмад Хожа Ахрорнинг қимлигини яхши билган, уни эъзозлашга қодир подшоҳлардан эди. У Самарқанд тахтига чиққач, муфтининг қора нияти амалга ошмай қолди.

Мавлоно Шайхнинг маъмулоди бўйича эса ўша муфти катта миқдорда пул бериб Абдураззоқ исмли қароқчини Хожа Ахрорни ўлдирдишга қўнғирди. Қарангки, бу навбат ҳам «Оллоҳ, валисига душман бўлган кимсаларга уруш эълон этар», деган гап ҳам ўз исботини топади...

Дунё илм-фани ва маънавиятининг нурли бешиги бўлган она заминимиздан кўплаб алломалар етишиб чиққан. Аммо улар орасидан унча-мунча кишини вали дейишмаган. Хожа Убайдуллоҳни

Хожаки, наққоши сипеҳри баянд, Бўлғали ҳар саҳфаси нақшбанд, Айлади авроқ мунаққаш баян, Нақш рақам айлади дилкаш баян. ...Улки бу офоқ ичинда гоҳ эрур, Тоқ неким муршиди офоқ эрур. ...Юз қўбон қуллугига шоҳлар, Базмида беҳуд бўлиб огоҳлар, Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб, Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб. Алишер НАВОЙЙ

руҳ айлайдики, охир-оқибатда жамият сўлғинлик, локайдлик, қарахлик ва ноумидликдан боши берк кўчага бориб қолади. Ваҳдат, яъни бирлик туйғуси соат сайин емирилиб, ёлғизлиш, машъум бир танҳолик ҳиссиёти кучаяди.

С.Цвейг айтидики, Виждон эркинлигига тенглаша оладиган қудрат йўқ. Шаҳарларни вайрон этиш, ҳокимиятларни ер билан яқсон айлашга қодир куч ҳам Виждон эркини тақлим қилолмайди. Бу гапга мен юз фоиз ишонаман. Ва шунинг учун ишонаманки, бизнинг тарихимиздаги барҳаёт сиймо-ларнинг даярли барчаси энг оғир, энг мураккаб шарт-шароитларда ҳам ақлни кишанлардан озод айлаш, фикр хурлигига етишиш, виждон эркинлигига йўл очиб учун курашганлар. Уларнинг қўлида қилинчлар бўлмаган. Милтлик ушламаган улар. Лекин ИЛМ ва МАЪРИФАТ кўчига суяниб қурол ва лашкар билан қўлга киритиб бўлмайди зафарларга эришган. Хожа Ахрорнинг фаолияти бунинг эркин бир далилидир. Маърифатпарварлик жиҳати бизга жуда осон, мақсад-муддао қийинчиликсиз амалга ошираверадигандай бўлиб туолади.

эса валиуллоҳ, деб эъзозлаган. Ҳатто бу сўз ул зотнинг таҳаллуסיга айланган кетган. Хўш, валилар аслида ким, валиликнинг шартлари қандай?

Менинг бир ёзувчи танишим бор: тасаввуф сўзини эшитса, пешонаси тиришиб, асаби бузилади. Унингча, тасаввуфни ўрганишининг ҳам, тарғиб-ташвиқ қилишининг ҳам кераги йўқ. Чунки, тасаввуф фикрий фаолликни суяйтириб, ҳаёт муаммоларини ҳал қилиш, ўз тақдирини ўз қўли билан одамни чалғитариш; қарамлик, муаммалик, ўзни тақдир қўлига топшириш ҳисларини чуқурлаштириш. Холбуки, ҳақиқий тасаввуф, ҳаёт ва кураш руҳи барқ урган тасаввуф буларга қарши бўлган. Агар тасаввуф

Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдин, Эшит ул сирри Худо огоҳдин, Хожалар хожаси ул Хожа Убайд, Ходиму чокори Шиблий-у Жунайд, Холату мартабаси зоҳирдур, Васфи тариқатда тил қосирдур. Отаси қилган учун тақлифе, Қилди онинг отига таълифе Тolib эл тилига маъмур дурур, Заҳрирддин Мухаммад БОБУР

билан боғлиқ айрим муаммо ва баҳсли масалалар юзага қалқиб чиқаётган бўлса, бунинг сабабларини тасаввуфданмас - тасаввуфшунослик ва илмийликдан ахтариш лозим. Керакли нарса-ни ахтариш ва топшиш учун ҳам ички интилиш, нуқтаи назар зарур. Шу маънода бир мисол келтироқчиман.


Л.Н.Толстой «Ҳаёт хусусида» деган рисолисида Аристотелнинг айрим фикр-қарашларини танқид қилди. Шунда бир олим буюқ адибни Аристотелни яхши билмаслиқда айблади. Толстой унга жавоб қайтарди дейди: «Сиз менга Аристотелни чуқур билмайсиз дейсиз. Ҳа, мен уни шунинг учун билмайманки, ўша асаридан мен билишим зарур бўлган нарсанинг ўзи йўқдир...»

Утмишда яратилган илмий, маърифий меросни ўрганаётганда замон талабни албатта инобатга олиш зарур. Аммо эски қараш, сохта тасаввуф ила инкорчилик қилмаслик керак. Биз ҳеч бўлмаганда, валининг қимлиги ва валоият сирларини яхшироқ билганимизда ўзимизга бу қадар маҳдудлик, бу қадар манъалилик ёки гурурсизликни раво кўрмасдик.

Тасаввуф аҳли вали деганда Хожаининг чин дўсти ва сукулди кулини назарда тутишган. Вали нафсидан фони бўлиб, Ҳаққа боқи бўлган, яъни илоҳий Ҳаққа соҳибидир. Шунинг учун у қарома-та даввосидан йироқ яшаган. Валий гўзал ахлоқ муҳофизчи,

# «БУ ЙЎЛ ИХЛОС, ЭҲСОН, АДАБ ЙЎЛИДИР...»

## ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудир, филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул билан мулоқот



маънавий интизом таянчидир. У инсонни қомил, орифи биллоҳдир. Халқу халойиқ уни танимаслиги, унинг сўз ва кўрсатмаларини ҳисобга олмаслиги мумкин. Бирок Оллоҳ валийлари шайтон «вали»ларидан фарқли равишда туну кун халқ гами, халқ манфаатларини кўзлаб нафас олишган. Тасаввуфга доир манбаларнинг энг эркин, энг таъсири саҳифалари валиларга бағишланганлиги ҳам тасодиф эмас.

Тарих сабоқлари инсонни хушёрлик ва огоҳликка ўргатиб, иродасини чиниктиради. Шу боис тарихини билган, ундан руҳий қувват олган кишини йўлдан уриш, турли ақидалар таъсирини тушириш

ти ахлоқий кучсизлик, фикрий тутуруқсизлик, руҳоний ожизлик офатларидан холос бўлишда беқийс фойда етказида. МАЪРИФАТ ва ҲАҚИКАТГА Хожа Ахрор нигоҳи ила қарай олишининг ўзиёқ кўнгилни нурлантириб юборади. Одамда улғувор бир мискинлик, қахру газаблардан фориг бир сокинлик пайдо бўлади.

Бу ёруғ оламда сон-саноксиз йўллар, тариқату одалар бор. Аммо ўзингиз айтганингиздек, инсон қалбига борадиган йўл битта. Бу оддийлик ва самимият йўлидир. Хожа Ахрор одамлар қалбига қайси йўл, қайси тариқат орқали кириб бордиларки, шайхлар шайхининг саховати, эзгу ишлари тиллардан дилларга кўчиб, ҳали ҳамон кўнгилларни ёритиб турибди.

«Фақат бемор кишигина бошқа одамларнинг ҳаётини сўз билан ўзгартириш мумкин деб ўйлайди», - дейди Л.Н.Толстой. Қуруқ сўз билан ҳеч нимани ўзгартириб бўлмаганидек, яхши натижага ҳам эришиб бўлмайди. Тариқатда эса сўз ва даво эмас, ҳол ва маъно муҳимдир. Хожа Ахрорга эргашиб - бу қалбни мушоҳада ила ислоҳ айлаш ва боқий ҳақиқатларга юз буриш демак.

Айрим тариқат арбоблари халқдан қочиб, ўзи учун Ҳаққа томон йўл очишни тасаввуф деб билишган. Нақшбандийлик бундай фикр-қарашга қарши тушунчаларни илгари сурган. Шунинг учун Хожа Ахрор Ҳақ деб халқни, халқ деб Ҳақни унутмаслик «тажриба»-сига қатъий амал қилганлар. Бу улуг зотнинг шахсия-

лат, таназулли тараққиёт, кулфати шодлик дегувчилар эса ошиғи олчи кишилар ҳисобланарди. Айниқса, иждокор ва амалдорларнинг маънавий икки-юзламачилиги, фосиклик ва оқчоқликларига тоқат қилиш қийин эди. Шўро давлати ўз бошини ўзи еб, тарих сахидан бутунлай барҳам топди. Аммо одамларимиз онги ва психологиясида ундан жуда кўп ёмонлик ва ноқисликлар мерос қолди. Мана шунини мен маънавий таназул деб биламан. Агар тасаввуфни ўрганиш ички эҳтиёжга айланса ва тўла равишда тўғри йўлга туширилса, Туркистон валийлари, жумладан, Хожа Ахрор таълимо-

бада ўзининг журъат ва жасорати, тадбир ва салоҳиятини намоиш айлай оладики, бунга тўла ишонч ҳосил этмоқ учун Хожа Ахрор ҳақида кўп билиш, кўпроқ маълумотлардан хабардор бўлиш керак. Умуман олганда, Хожа Ахрор таълимоти инсонга ўз ахлоқини билиш, ахлоқ-руҳиясидаги ожизлик, кучсизлик ва гумроҳликларни ҳаққоний идрок қилишга яқиндан ёрдам беради. Хожа Ахрор билан тарикатдош Амир Бухорий деган шoirимиз бор. Бир рубойида у: **Узга савдоларда кечди умримиз, Қуруқ гағволарда кечди умримиз. Орзуий мансаб ва савдойи жон, Бу таманноларда кечди умримиз,**

**Хожа АХРОР ВАЛИЙ:** Авлиёнинг уч белгиси бўлур, биринчиси, агар унинг юзини кўрсанг юрагинг у томонга тортилади, иккинчиси шуки, агар у мажлисларда сўзласа сўзи билан барчани ўз томонига ағдариб олади. Учинчиси шуки, Валий оламга маънавий лаззат берувчи бўлиб, унинг ҳеч бир аъсосидан ёқимсиз ҳаракат юз бермайди.

Фақат бир ҳақиқатни айтмоқчиман: қайси замон ва даврда яшашидан қатъий назар, Хожа Ахрор каби кашфу қаромат соҳиблари ҳамма буюқ ТАРБИЯЧИ ва МУҲОФИЗДИРЛАР. Улар ҳамма пайт, ҳамма шароитда ҳам инсонни ақлан адашиш, қалбан майдалашин, охир-оқибатда нафрга қурбон бўлишдан асрай оладилар. Бунинг учун маърифат уммонига фарқ бўлган уларнинг қалби ва руҳини завқлантирадиган хол дунёсига йўл топишга уринмоқ керак. Ана шунда яхши гап ёхуд тилдан тилга ўтиб тақрирланаверадиган эзгу тушунчалар ҳам яхши хулқ, мустақил тафаккурга замин бўлмаслигини, эркин шахсиятни шакллантиришнинг турган-битгани ранж ва азоб эканини аниқ фаҳмлайсиз. Фаҳмлаш қучайгани сайин эса ботиндаги ҳар бир ноқислик, ҳар бир иллат, ҳар бир сохтакорлик ва риё Сизни омонсиз таъбиқ этади. Ҳасрат, пушаймонлик, на-домат бўронидан ўзингиздан қаёнга қочиб, кимдан қандай нажот тилашни билмай қоласиз. Худди шундай пайтда маънавий робота - қайсидир валий ё орифга маънан ва руҳан боғлиқлик одамни ҳар қандай тушқунлик, забунлик ва ноқорликдан кутказиб қолади. Шундан бошлаб дунё Сизнинг ортингиздан чопса чопадик, Сиз дунёнинг кетидан қувмайсиз. Ва дунёнинг бақоси ҳам, завқу сафоси ҳам ўзидан юракни тарқ этади. Бобурнинг маснавийларини ўқиган киши ушбу ҳолатни бир қадар аниқ тасаввуф қилади ва бунинг сир-асрори билан қизиққанда унинг Хожа Ахрорга эътиқоли ва эҳтиромини янада олқишлаб, «Бобурнома»да битилган туш воқеаларини қайта-қайта хотирла-ки қелади.

Билимсизликдан жаҳолат, жаҳолатдан эса мутаассиблик келиб чиқади. Хожа Ахрор Валий эса зулм ва зўрликка қарши адолат ва маърифатни, жаҳолат ва фағллатга қарши ақл ва тафаккурни ҳаракатлантира олган улуг зот. Шу боис халқ уну ишонган, суянган. Манбаларда қайд этилишича, Умар Шайх Мирзо Шош аҳолисидан 250000 диноҳр даҳмида солиқ талаб қилганида Хожа Убайдуллоҳ бу солиқни ўзлари тўлаб, яна қўшимча тарзда 70000 диноҳрни ҳам солиқ тўловчиларга топшириб қўйган эканлар. Бу ҳақда энг ишончли манбалардан бири «Рашахоту айни-хаёт» асарини яратилгани ҳақида сўзлаб берсангиз.

Фахруддин Али Сафийнинг «Рашахоту айни-хаёт» китоби чиндан ҳам нақшбандия тариқати вақиллари, хусусан, Хожа Ахрор таржимаи холи, фикр-қарашлари, манбаъавий ҳаётини ёритувчи бебаҳо ва бекиёс манбадир. Унинг муаллифи 1469 йили Сабзаворда туғилиб, кейинроқ Хиротга келган. Тасаввуф ва тариқатга қизиқишини Убайдуллоҳ Ахрор зендарига чорлаган. У Самарқандга ташриф буюрганида йигирма икки ёшли йигит бўлган. Сафий илк келишида тўрт ой Хожа Ахрор суҳбатларида иштирок этади. Шайхдан кўп нарсга ўрганади. Орадан тўрт йил вақт ўтгач, у яна улуг шайх ҳузурига келади. Бу навбат тахсилу мулоқотлар сажисои ўй давом қилади. Ана шу учрашув, суҳбат ва тайёргарлик асосида «Рашахот» дунёга келади. Бу асарнинг илмий-амалий қийматини тасаввуф айлаш учун унинг уч бора усмонли турк тилига, икки маротаба араб тилига ва 2001 йилда инглизчага таржима этилганлигини эслатиш кифоя деб ўйлайман.

Фахруддин Али Сафий «Рашахот»дан ташқари, «Латифу-т-тавоҳуф», «Маҳмуд ва Абъ» номли асарлар ҳам яратган. Унинг илмий, адабий мероси ёлғиз бизда эмас, Туркия, Эрон, Тожикистонда ҳам тадқиқ қилиниб, китоблари нашр бўлган. Сафийнинг Мулло Нур номи ила танилган жиъни ва муриди Қавомиддин бин Мухаммад Носир сафавийлар Хиротни қўлга олган Бухорога келган. Одамларга ҳадис, тасаввуф илминдан таълим берган. Шу заминда вафот этиб, Ромитанда дафн этилган.

Ривоят қилишларича, Искандар Зулқарнайн ўзини сўнгги йўлга кузатаётганда, тобутдан қўлларини чиқариб қўйишни, ҳатто жаҳон Шоҳи ҳам у дунёга қуруқ қўл билан кетаётганини кўришин, деб васият қилган экан. Аммо инсон зоти борки, нафсининг қули бўлиб яшайди. Хожа Ахрор Валий ҳамма таъмадан йироқ бўлган. Ҳатто бирор кимсадан тухфа ҳам олмаган эканлар. Шу ростми?

Алишер Навоий қитъаларидан берида: **Сен агар тарки таъма қилсанг, улуг ишдур бу кимсан, Олам аҳли борча бўлғай бир тараф, сен бир тараф,**

дейди. Демак, оламда таъмасиз кишини топш доимо душвор бўлган. Нега? Негаки, ҳатто нафс жиловини қўлга олган одамлар ҳам ўзлари билиб, билмай таъмага ён берадилар. Таъма ва манфаатпарастликнинг минг тусоғи бор - бирига илм-масангиз, иккинчисига илминасиз, биттасидан қонсангиз, бошқасига тутиласиз. Айниқса, йўқсиллик, қашшоқлик ҳукм сурган замонларда таъма ўзидан улғайиб, фағуллодада ҳайбат касб этиб бораверди. Бундай чоғларда гушна, юлғич ва маккор бойларнинг мол-давлати эмас, сабр ва қаноатли доноларнинг маънавий ҳиммати, беғараз саховати ахлоқий емирилишларнинг йўлини тўсади.

Нақл қилинишича, Хожа Ахрор Мирзо Шоҳруҳ замонида Хиротда юрган даврларида бир эски дастордан бўлак бойликлари бўлмаган экан. Бир куни Бозори Малиқдан ўтиб кетаётганларида бир гадоий учрабди. Унга берадиган нарса йўқ. Шунда дасторни бошдан олиб,

**Тил кўнгилнинг ойнаси турур ва кўнгил руҳнинг ва руҳ ҳақиқати инсонийнинг ва ҳақиқати инсоний Ҳақнинг ойнаси турур.**

ошпазнинг олдига ташлаб деган эканлар: «Бу дастор покиза турур, қазон юғондин сўнг дастмол бўлур, сағлагил бу гадоёга бир нимарса бергил».

Хуллас, ошпаз гадоийга таом беради. Аммо дасторни қайтармоқчи бўлганда, Хожа Ахрор уни олмайдилар. Мавлоно Аҳмад Коридий тиктирилган ила бир чакмон ситириб тухфа тарзида Хожа Ахрорга юборади. У киши эса: «Бу жомани қийсақ бўлур, ва лекин ондин садақанинг хиди келур. Биз умримизда ҳеч кишидан бир нимарса қабул этмадук», дея узрхоҳлик ила уни ортга жўнатадилар.

Бугун қайси одам шу гапларга иннонади? Ёки шундай ишларни қила олади? Аммо булар афсона ҳам, ривоят ҳам эмас, ҳақиқат бўлган. Шу ҳақиқатларга ишонилмаганлиги, шундай ҳақиқатларга амал қилиш салоҳияти бой берилганлиги тўғрисида биз олтиндан да қимматли кўп туйғу ва ҳислатлардан ажралдик. Шу боис, энг доно ва яхши гап ҳам ёмон ишларнинг йўлини тўсолмайди, беғараз кўмак ёки ҳимматга ишонилмайдиган бўлиб қолди...

Хожа Ахрор бизнинг гуруримизни юксалтирадиган, томирлари мезийга бориб тутишган тарихий йўлимиздир. Унинг меросини ўрганиш борасидаги ишлардан кўнглингиз тўладими?

«Рашахот», «Хожа Ахрор насбномаси», табарруқ рисола-лари, мактубларини ўқинг. Сўнгги йилларда Хожа Ахрорга бағишлаб яратилган рисола ва мақолалар билан танишинг. Албатта, хурсанд бўласиз. Хожа Ахрор сингари улуг шайхларнинг меросини кенг ва чуқур тадқиқ этиш учун катта куч, алоҳида диққат-эҳтибор керак. Олти юз йиллик тўй муносабати билан бошланган хайрли ишлар изчил давом эттирилиб, Хожа Ахрорнинг муридлари қаламига мансуб «Силсилату-л-орифин ва таъриқату-с-сиّدини», «Маноқиби Хожа Убайдуллоҳи Ахрор», «Малфўзоти Ахрор» каби китоблар ҳам чоп этилса, ўйлайманки, бутун миллат бундан манфаат топади. Бизга мисни тилло деб кўрсатишган. Тилло нархидан минг қарра ортик ирфоний хазиналардан халқ бенайсиб қилинган. Бу чалғиш, бу ажрлишларнинг манфий таъсир ва натижаларни қанчалик узоқ пайт ўзини кўрсатиб турмасин, барбир улардан халос бўлиш лозим.

Бас шундай экан, Хожа Ахрор Валийдан мадад истаймиз, унинг улмас меросига таянишимиз ҳам табиий эҳтиёждир.

**Суҳбатдош:** Аминна ҚОДИРОВА, «Ишонч» махсус мухбири

**Республика Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги Фармонида аёлларимизнинг оила, жамият, давлат қурилиши вазифаларини ҳал этишдаги ўрни, нуфузини оширишда туман ҳокимликларининг ҳам-ўрлиги, ташкилотчилигига алоҳида урғу берилган.**

Ҳасан Назарович кундалик ишларни кўздан кечириб Навманган вилоят ички ишлар бошқармасидан юборилган мактубга кўзи тушди-ю, чуқур ўйга толди. Унда Ербоши шаҳарчида яшовчи Хосиятхон исмли ўсмир қизнинг шўхбекатда мақсадсиз дайдоби юргани назоратга олингани эзилганди.

Фарзанд, айниқса, қиз бола кўздан узоклаша ота-онанинг не ҳолга тушишини ҳоким кўз олдига келтираркан, зудлик билан кўнгирак тугмачасини босди. Хузурига кирган котибага туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ФХДБ бўлими бошлигини маслаҳат йиғинига тўлаш буюрди. Масала фақат Хосиятхоннинг тақдирини билангина боғлиқ эмасди.

Ҳокимлик ёшлар билан ишлашда, хусусан ўсмир қизлар тарбиясида «қарични катта» ола бошлади. Йиғинда оилада маънавий тарбия, қизларимизнинг шарқона кадрларимиз асосида турмушга тайёрлаш, бунда ота-оналарнинг намунаси, маҳалла жамоатчилигининг таъсири ҳақидаги мулоҳазалар ўртага ташланди.

Маслаҳат йиғини эртасига Хосиятхоннинг хонадонидан давом эттирилди. Туман хотин-

қизлар кўмитаси Пленуми аъзоларидан Хотимахон Исмоилова, ФХДБ бўлим мудири Дилфуза Мамажонова, маҳалла фаоллари Дилуфар Абдурахмоновалар хонадон соҳиблари билан мулоқотда бўлишди. Қизнинг ота-онаси хижолатдан бош кўтаришолмади.

# АЁЛНИ АСРАСАНГИЗ — ЖАМИЯТНИ АСРАЙСИЗ

Аниқланишича, бу хонадон ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан экан. Оила бошлиғи кўпдан буён ишсиз. Моддий қийинчилик туфайли Хосиятхон ишлаш учун наманганлик ҳоласининг уйига кетиб, шўхбекатда адашиб қолган.

Шаҳарчада тадбиркорликни ривожлантириш, шу йўл билан янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизларни ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш муаммолари таҳлил қилинганлигининг босиси ҳам шундан.

Ушбу тадбирнинг самарасидан биринчи галда Хосиятхонлар оиласи баҳраманд бўлди. Ҳокимлик, хотин-қизлар кўмитаси

мақсадида янги ташхис йиғмаси олиб борилди. Оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга эътибор катта. Туман ФХДБ бўлими хузурдаги ёшларни турмушга тайёрлаш ўқув гуруҳида 400 нафар келин-куёвлар махсус дастур асосида ўқитилиб, соғлиқлари тиббий кўриқдан ўтказилди. Ербоши қишлоқ фуқаролар йиғинида, ФХДБ бўлими ташаббуси билан «Оила - муқаддас даргоҳ» мавзюида ўтказилган конференция хотин-қизларда катта та-

мақсадида янги ташхис йиғмаси олиб борилди. Оилада тиббий маданиятни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга эътибор катта. Туман ФХДБ бўлими хузурдаги ёшларни турмушга тайёрлаш ўқув гуруҳида 400 нафар келин-куёвлар махсус дастур асосида ўқитилиб, соғлиқлари тиббий кўриқдан ўтказилди. Ербоши қишлоқ фуқаролар йиғинида, ФХДБ бўлими ташаббуси билан «Оила - муқаддас даргоҳ» мавзюида ўтказилган конференция хотин-қизларда катта та-

ассурот қолдирди. Туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси ёрдамида ташкил этилган «Муруват маркази» кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий қувватлашда ибрат қўрсатмоқда. Марказ «Меҳр ва муруват йили» Давлат дастурини изчил амалга оширишга киришган. Бюджет маблағлари ҳисобидан дастур асосида эҳти-ёжманд оилаларга 17 миллион 400 минг сўмга яқин моддий ёрдам қўрсатилди. Марказ кўмағида бугунгача, хайрия йўли билан боқувчисини йўқотган хонадонларнинг 8 тасида хатна, 11 тасида никоҳ тўйлари ўтказилди.

Спорт- соғломлаштириш иш-

## Эътибор

ларига хотин-қизлар кенг жалб қилинмоқда. Жисмоний баркамол одамдан ал-эрт қорига аяйдиган йигит-қизлар дунёга келди. Арқон тортиш, енгил атлетика, эшак эшиш, сувда сузиш, волейбол каби спортнинг ўнлаб турлари бўйича оилавий мусобақалар узулсиз давом эттирилмоқда. Куйганёрлик Елена Усарова Афина олимпиадаси беллашувларида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилди. Елена тумандаги темир-бетон буюмлари қурилиш корхонасида фаолият юритаётган каноэ спорт тўғрисида маҳоратини оширган. Айни кунда корхонадаги сув ҳавзасида Еленанинг 10 нафарга яқин дугоналари эшак эшиш санъатини эгаллашмоқда.

Янги иш ўринларини яратиш, ўқимаи, ишламай юрган ўсмир йигит-қизларга касб ўргатиш, уларни иш ва маош билан таъминлаш туман ҳокимлигининг диққат-марказида. Ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини худудида кейинги йилда 100 та янги иш ўрни барпо этилди. Рўзгор қоплари тайёрлаш қичик корхонасида бугун 80 нафар ўй бекаси ҳамда ўсмир қиз муҳим иш ўрнига эга бўлдилар. Тадбиркорлардан Мукаррамхон Айсакоева ишсиз ўтирган 10 нафарга яқин дугоналарини бошини қовуштириб «зардўзлик» цехини очди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**  
**«Ишонч» мухбири**

# АВВАЛДАН МАЪЛУМ ЭДИ

**Мавсум якунига етиб боргани сари мухлисусу му- тахассислар бир-биридан зиддиятли саволларга ўзларича, ўз билгиларича, ўз нуқтаи назарларидан келиб чиққан ҳолда жавоб ўзлайдилар. Бинобарин олий табақа жамоалар ўртасида кечган 13- мамлакат чемпионати турли кишиларда турлича та- ассурот қолдирган табиий.**

Юзаки қаралганда гўё фавқуллоҳ ҳеч нарса юз бермагандек туюлса-да, «Пахтакор»нинг чемпиони бўлиши, «Нефчи» ва «Навбахор» қандайдир маънода «Насаф» жамоалари иккинчи- учинчи ўринлар учун кураш олиб бориш олдидан башорат қилинган ва амалда ҳам шундай бўлган эса-да, барибир чемпионат анча қизиқарли тарзда пөнига етаётганини эътиборга олиш мумкин.

Амалдаги чемпион «Пахтакор» футболчилари учун 24-тур, агарки Осиё чемпи- онлар лигасидаги иштироки туфайли ўтказиб юборилган, бир учрашувдан келиб чи- қиб мулоҳаза юритсак, 23- ўйин Тачму- род Агамуродов шогирд- лари учун яна бир ёрқин саҳифа бўлиб

«Пахтакор» ушбу турда «Бухоро» жамоаси билан баҳсини ишончли тарзда ўтказиб, 4:0 ҳисобида галаба қозонди ва 65 очко тўплаган ҳолда, кейинги тур ўйин- лари натижасидан қатъи назар, бешинчи марта чемпи- онлик шохсупасига кўтари- ладиган бўлди.

Айни дамда Юрий Саркисяни ва унинг шогирдлари- ни ҳам навбатдаги кумуш медаллар шодаси билан қўла- шимиз мумкин. «Нефчи» фут- болчилари «Сўғдиёна» жамо- асини йирик ҳисобда мағлуб этиб (3:0), «Пахтакор» учун энг жиддий рақиб эканлиги- ни тасдиқдан ўтказиб олди- лар.

Яқин-яқингача иккинчи ўрин учун давоғарлиги бе- жиз эмаслигига барчани ишон- тириб турган «Навбахор» ора- ликдаги муваффақиятсизлик- лар туфайли мавқеини бир қадар бериб қўйди. Шунинг учун ҳам Виктор Жалилов шогирдларининг Термизда му- ваффақиятли тўп суришлари айни мудоао бўлди. Бу ерда

мухлислар тўртта тўп кўрди- лар. «Сурхон» мухлисларини ранжитган голлар ёмғири «На- вбахор» ишқибозлари кўнгли- га янги умид бахш этди. Де- мак, ҳечдан кўра деганлари- дек бронза медалини қўлга киритиш учун имконият бой берилмаган.

Дарвоқе, неча кунки На- манган шаҳри кўчаларида 21- турнинг қолдирилган ўйини «Навбахор» ва «Пахтакор» ўртасидаги матч соат 15.00 да ўтказилиши тўғрисидаги эълонлар осилгич турибди. Шаҳ-шўхбасиз ушбу учрашув билан томоша қилинади. Бу- ниси, оқишга айтганда, кўпроқ «Пахтакор»га боғлиқ.

Нега бундай деярғани- мизни зуқко мухлислар дарҳол тушу- ниб етишди, албатта. Босиб пойтахт жа- моаси учун энди қўлдан ўйин- лар фақат оёр нуктаи назар- ридангина аҳамиятли ҳолос. Шундангина бўлиши ҳам мумкин- ки, ортиқчи билан қўтилган учрашувда Т. Агамуродов майдонга етакчи футболчилар ўрнига ёшларни тушириши эҳтимолдан йироқ эмас. Буни тушуниш мумкин - ҳар ҳолда қатор ўйинчилар бир йўла уч фронтда - ички чемпионат ва Осиё чемпионолар лигаси ўйинларида, терма жамоа баҳсларида деярли дам олишларсиз тўп суришди. Ҳам жисмонан, ҳам руҳан то- лиқиб қолишгани табиий. Аммо минг-минглаб мухлис- лар хурмати Наманганда май- донга тўсалар нур устига аъло нур бўлур эди. Чунки футбол - миллионлар ўйини. Нима бўлганда ҳам бундан ёддан чиқармаган маъқул.

24-турнинг қолган учра- шувларида қўйидаги натижа- лар қайт эдилди. «Металлург» - «Насаф» - 0:2, «Локомотив» - «Кизилқум» - 5:0, «Анди- жон» - «Самарқанд-Д» - 2:1, «Машвал» - «Трактор» - 3:1.

## ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	У	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. «Пахтакор»	23	21	2	0	75-9	65	65
2. «Нефчи»	24	19	2	3	56-25	59	59
3. «Навбахор»	23	16	3	4	57-19	51	51
4. «Насаф»	24	16	3	5	58-26	51	51
5. «Трактор»	24	12	1	11	39-45	37	37
6. «Локомотив»	24	10	6	8	35-27	36	36
7. «Бухоро»	24	9	3	12	28-42	30	30
8. «Сўғдиёна»	24	9	2	13	23-42	29	29
9. «Кизилқум»	24	6	7	11	27-44	25	25
10. «Металлург»	24	7	3	14	22-43	24	24
11. «Машвал»	24	6	3	15	27-38	21	21
12. «Сурхон»	24	6	2	16	21-49	20	20
13. «Самарқанд-Д»	24	5	2	17	21-45	17	17
14. «Андижон»	24	5	1	18	28-63	16	16

## Касаба уюшма тадбири

Юртимизда Меҳр ва муруват йилига бағишланган кенг қўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ногиронлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ва Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар бундан дилдан хис қилишмоқда. Давлатимизнинг инсонпарварлик сийёсатидан жазони ижро этиш муассасаларида мuddатини ўтаётган маҳкумлар ҳам четда қолишмаяпти.

# КУЙ СЕҲРИ

Яқинда Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитаси ҳомийлигида «Сўғдиёна» халқ чолғу камер оркестри бир қатор концерт дастурларини намойиш этди. Дастлаб оркестр чолғучилари республика Ички ишлар ва зирлигининг ЖИЭБга қарашли Зангиота тарбиявий колониясига таширф буюришди. Кўнгилларни сел қилувчи ижролари бу ердаги 14 ёшдан 21 ёшгача бўлган йигитларга ўзгача таъсир қилди. Со- дир этган номсукул хатти- ҳаракати учун жавоб бераётган маҳкумлар қалби- да эзгу ҳислар уйғониб, ота-она, Ватан кадрини англаши, соғлом ҳаёт на- фасини тушишди.

Усмир ёшида йўлдан адашган фарзандларга ўз санъатимиз билан тарбия- вий таъсир қўрсатаётган бўлсак, ўзимизни бахтиёр ҳисоблардик, - дейди оркестр бадиий раҳбари Фе- руза Абдурахимова. - Жа- моамиз 1991 йилда таш- кил топган. Утган йиллар биз учун изланиш, шакл- ланиш даври бўлди. Ўзбек чолғу асбоблари орқали халқимизнинг қалб ҳаро- ратини ифодалашни ният қилганмиз. АҚШ, Герма- ния, Франция каби дав- латларда ижодий сафар- ларда бўлиб, миллий соз- ларимизнинг довуғини баҳоли қудрат ҳахонга ёй- моқдамиз.

Адашган инсон қалбига эзгулик уруғини қадар орқали уни тўғри йўлга бошлаш исбот талаб қи- лайдиган ҳақиқатдир. Ай- ниқса, бу аёл қисмати учун оғир фожеа ҳисоб- ланади. Уни келажакдаги ёруғ мақсадлар сари умид- лантиришдан улғу савоб йўқ. Бу билан, энг авва- ло, ўз ҳаётимизни, жамия- тимизни соғломлаштири- ган, аёл нафосатини, унинг оиласи ва фарзан- дида бўлган меҳрини сақ- лаб қолган бўламиз. Ўзбек- истон Ички ишлар ва зир- лиги ЖИЭБга қарашли 7- сонли жазони ижро этиш колониясидаги маҳкума- ларга оркестр тақдим эт- ган концерт дастури чин маънода эзгуликка хизмат қилади.

Санъат чинданам яхши- лик яратувчи мўъжизавий қурол. Бу ерда жазо му- ddатини ўтаётган турли ёш- даги аёллар ҳечрасига бо- қиб, куй сеҳрида, оҳанг


оғушида уларнинг юксак руҳий кенгликларда парвоз қилаётганини сезиш қий- ин эмас. Хатолардан пу- шаймонлик, келгусида уларни такрорлашмаслик, хуллас, аёллик бурчини англашга хос барча-барча ички кечинмалар мужас- сам. Дуторчи Гулноза Жа- борова, рубоьда Нодиржон Ибрагимов томонидан ту- ҳфа этилган ижро маҳора- ти, оркестр журигидаги корейсча, туркча, арабча, русча куйлар бутун зални сеҳрлаб қўйди. Истеъдо- ли актриса ва хонанда Меҳрихон Бекжонованинг аёл ҳақидаги қўшиғи таъ- сирда кўзларга ёш қалқ- иди. Шўх куй ва ашулалар янграганда эса берилиб рақсга тушаётган хотин- қизларни кўриб, тадбирдан кўзланган мақсад тўла амалга ошганига ишонч ҳосил қилдик. Тадбир сўнгисида санъаткорларга Марказий кўмитанинг эсда- лик совғалари топширил- ди.

Бундай тадбирлар ишимизнинг янада самар- али бўлишига яқиндан кўмак беради. Уни ташкил этишда ташаббускорлик қўрсатган тармоқ ходим- лари касаба уюшма Марка- зий кўмитасига чексиз миннатдорлик билдирам- из. Жазони ўтаётган аёл- ларнинг санъат ва спорт билан шугулланишлари учун муассасамизда кенг имконият яратилган. Мун- тазам равишда улар ўрта- сида кўрик-танлов ва спартакиадалар ўтказиб бораемиз. Шунингдек, ин- глиз тили, тикеш-бичиш, сартарошлик, қандолат- пазликка ўргатиш бўйича машғулотлар ташкил қилинган. Балоғат ёшига етмаган қизларга эса мак- табимизда педагоглар са- боқ беришмоқда. Бу улар- нинг кейинчалик ҳаётда тўғри йўл топиб кетиш- лари учун хизмат қилмоқ- да,-деди биз билан суҳ- батда колония бошлиғи иш- ларни тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, капи- тан Арофат Исакова.

Ҳа, меҳр-муруват шун- дай мўъжизаки, у адашган- га йўл, йиқилганга мадад бериб, кўнгиллари муна- вар этади. Тармоқ касаба уюшмасининг савобли иш- лари ҳам одамларни омма- вий ташкилот атрофида мустаҳкамроқ жипс- лашишига замин яратади.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**  
**Неъмат РАФИҚОВ,**  
**«Ишонч» мухбирлари**

## ХИЗМАТИДАН ЭЛ МАМНУН



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини замон талаб- лари даражасига кўтариш, аҳолига намунали тиббий хиз- мат қўрсатиш, шунингдек, да- волаш-профилактика ишларини юксак савияда ташкил қилиш борасида кенг қўламли тадбир- лар амалга оширилмоқда. Бу- нда хусусий шифохоналар фа- уллати ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Нигора Абдуллаева тажриба- ли шифокор, ўз соҳасининг би- лимдонни. Беморлар уни қўли енгил шифокор сифатида би- лишади, ҳурмат қилишади. Ни- гора Абдуллаева айни вақтда ху- сусий шифохонага раҳбарлик қилмоқда. Пойтахтимизда фа- уллати юритаётган ушбу шифо- мақсадни кўз касалиқларига та- шхис қўйиш ва даволаш иш-



**Икром ҲАСАНОВ**  
олган суратлар

Бу тани хокийини руҳи равонини на қилай?  
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормок не керак?  
Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қилай?

Урайниму бошимга саккиз беҳишту дўзахин,  
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!

Зарраи нури қуёшдек бу жаҳон ичра тамом -  
Ошқора бўлса, бу сирри ниҳонни на қилай?

Аршининг кунгурасини устига қўйдум оёғим,  
Ломақондин хабар олдим, бу маконни на қилай?

Бир Худодин ўзгаси барча галатдур, Машрабо,  
Гул агар бўлса қўлунда, ул тиконни на қилай?

Машрабининг бу ва шунга ўхшаш шеърларини илоҳий ишқ йўлида ўзини унутган, девона бўлган ринд табиили ошқининг шатҳиёти си- фатида баҳоланг керак. Илоҳий мах- рубадан бўлак ҳеч нарсаи тан ол- маган ринд ишқ галаба қилиб, жаз- ба ҳолида бўлганда қошимда жо- нон бўлмаса, бу асли тупроқ бўлган вужудини ундаги жонни, бу ёруғ жаҳонни бошимга урайми дейиши табиий:

Бу тани хокийини руҳи равонини на қилай?  
Бўлмаса қошимда жонон, бу жаҳонни на қилай?

Тасаввуф фалсафасига қура, Олам ҳам, Одам ҳам ишқ туфайли яралган. Асли лойдан бино бўлган инсон ишқ туфайли шу даражага етди. Энди тасаввур қилинг: ишқ бўлса, ошқ бўлса-ю, ўртада маъ- шуқа бўлмаса? Жондан нима фой- да-ю, жаҳондан нима нафъ? Вужуд- нинг тупроқдан, оламнинг қабрис-

тондан фарқи борми?  
Ишқ шавқу заъки галаба қилгани- да чинакам ошқ шунга ўхшаш фир- ларни билдиришга ҳақли, албатта.

Машрабининг шатҳиёти кейинги мисраларда яқол намён бўлади:  
Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормок не керак?  
Иброҳимдин қолгон ул эски дўконни на қилай?!

Маълумки, ислом динининг арко- ни 5 та бўлиб, улар - иймон, намоз,

зуси билан яшайдилар. Агар Оллоҳ жамолини ўрнатмаса, улар учун жан- натнинг дўзахдан фарқи йўқ! Шунинг учун ҳам шoir дейдики:  
Урайниму бошимга саккиз беҳишту дўзахин?  
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни на қилай?!

Жаннатнинг 8 та даражаси бор бўлиб, ҳар ким ажрига қараб, улар- дан бирига ноил бўлади. Саккиз бе- хишт иборасидан мақсад - шу.

Мени илоҳий сир-синаотларни ошқор қилишда айбалайлар. Хол- бики, қуёш нури жаҳон ичра барчага ошқор қуришиб тургани каби ҳар бир зарра Унинг қузига ҳам шундоқ аён бўлиб туради. Бинобарин, бу яши- рин сир, яъни ушбу муҳаббатимни қан- дай қилиб яширишим мумкин?

Ҳазалдаги энг, «куфр» кейинги бай- тда:  
Аршининг кунгурасини устига қўйдим оёғим,  
Ломақондин хабар олдим, бу маконни на қилай?

«Аршининг кунгураси устига оёқ қўймоқ ўз «дахшат» ва «куфр» жиҳа- тидан Мансур Халлоқ айтган «Анаҳақ», орифлар султони Боязид Бистомий ти- лидан уган «Субҳони, мо азаммушаш- шў» сўзларидан ҳам эмас. Чунки Ар- ш тўқиз қават осмоннинг энг олий «қў- қи- си».

Шундай қилиб, байтининг мазмуни:

## Турфа олам УКОЛ ҚИЛИНАДИГАН КИТОБЛАР

Марпо Пиншутти деган италийлик биокимёгар эски кўлэзма китобларни гала- ти бир усул билан «даво- ламоқда». Шприц ёрдами билан китобга укол қила- ди, қозғога оқсил билан шакар моддасининг ара- лашмасини юборади. Ана шу арашшга қозғони ува- ланиб кетишдан сақлайди.

## КАЛАМУШДА ТОК

Бир гуруҳ америкалик му- хандислар ярим ўтказгичлар- дан фойдаланиб жажжигина радиопередатчик ясадилар. Бу митти қурилма каламуш баданида ҳосил бўлган электр энергиясидан озиқла- нади.

Танага уланган электрод- лар жониворга заррача озор бермаган ҳолда энергияси- ни «суриб олади».

Передатчик 155 микроватт- гача энергия сарфлайди.

Очик акциядорлик жамия- ти «ИНТЕР-ТРАНС-СЕР- ВИС» қўша қорхонаси Ку- затув кенгаши, Бошқарув кенгаши ва касаба уюшма- си жамият бошқарув кенга- шининг раиси ўринбосари Шухрат ХУСАНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳум- уни оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдард- лик ихзор этади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**  
**филология фанлари номзоди**

**ISHONCH**  
Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбеков, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.  
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибят 56-52-78;  
Хатлар бўлими 56-85-43;  
Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган  
Босишга толириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.00

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсатки